

ГУЛКАРАМНИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЕТИШТИРИШ ТЕХНАЛОГИЯСИ

Расулов Илҳом Махмудович ¹

¹ қ/х ф.ф. доктори, доцент

Каршиев Журабек Дилшод ўғли ²

² Ассистент

Дўстмуродова Хуршидабону Холмурод қизи ²

² 4 босқич талабаси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети, Агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги институти, Мева-сабзавотчилик ва узумчилик кафедраси

ИНФОРМАЦИЯ О СТАТЬЕ

ИСТОРИЯ СТАТЬИ:

Received: 24.04.2025

Revised: 08.04.2025

Accepted: 09.04.2025

КАЛИТ СЎЗЛАР:

Brassica cauliflora
L., корреляция,
давлат реейстри,
гибрид, гулкарам,
симплекс *r.nhsp.*
simplex,
subsp.abortiva,
органоминерал
ўғитлар,
суперфосфат, калий.

АННОТАЦИЯ:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мева-сабзавот маҳсулотларини ташиқ бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 17 октябрда эълон қилинган ПҚ-3978-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг республикада 2019-2020 йилларда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”да 2018 йил 20 ноябрдаги 935-сон қарорида ҳам ушбу соҳага бағишлангандир. Ушбу мақолада гулкарамнинг биологик хусусиятлари, етиштириш технологияси, ва инсон саломатлиги учун ахамияти келтирилган.

КИРИШ. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида, камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил бу- қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин ошириш эканлигини

алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Бу жараёнда ҳар гектар ердан олинадиган даромадни ҳозирги ўртача 2 минг доллардан камида 5 минг долларгача етказиш устувор вазифа қилиб қўйилди ва қишлоқ хўжалигига энг илғор технологиялар, сувни тежайдиган ва биотехнологияларни, уруғчилик, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этишимиз лозимлиги белгилаб берилди. “Агробанк” АТБ мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасининг барқарор ривожланишига ҳисса қўшиш учун нафақат молиявий, балки ижтимоий лойиҳалар билан ҳам аграр соҳага сармоя киритишга эътибор қаратмоқда.

Гулкарам (*Brassica cauliflora* L.) иккита: симплексе *r.nhsp. simplex*) ва аборти ва (*subsp.abortiva*) кенжа турларига ажратилган. Буларнинг пояси камрок, шохланади. Бу кенжа тур вакиллари Жанубий ва Ғарбий Европа, АҚШ мамлакатларида кенг тарқалган. Симплекс кенжа турига энг оддий формалар навлар киради. Буларнинг пояси камрок шохланади. Бу кенжа тур вакиллари Жанубий ва Ғарбий Европа, АҚШ мамлакатларида кенг тарқалган. Аборти ва кенжа тури вакиллари кўпроқ шохланади ва пастки қисми жуда ўсиб кетади. Бу кенжа тур вакиллари оқ сарғиш қаттиқ карамбош ҳосил қилади. Гулкарамнинг маҳсулдор органи боши (тўпгули) ҳисобланади ва у кўп карра шохланган қисқа гулшоялар тўпламидан иборат.

Эртаги навлар камбарг, кечкилари эса сербарг бўлади. Гулкарам барглари оқбош карам баргига ўхшаш бўлади. Фақат гулкарам барглари энсизрок, узунроқ бўлади ва ташқарига қараб ўсади. Карамбошини ўраб турувчи барглари кичик бўлиб ичкарига қараб ўсади ва карамбошини куёш нурларидан, иссиқдан ва ташқи таъсирлардан сақлайди.

Гулкарам бошқа барча карам турлари ичида етиштириш шароитларига жуда талабчан ҳисобланади. У совуққа нисбатан чидамли экин. Совуқ энг аввал унинг маҳсулдор органи бошига салбий таъсир этади. Гулкарамнинг кўчатлари ёппасига униб чиққандан бошлаб токи уруғлари етилгунга қадар орадан ўтадиган вақт экиннинг навларига қараб 200-250 кунни, кўчатлари ўтқазилгандан бошлари техник пишиб етилгунча ўтадиган вақт 106-134 кунни ташкил этади.

Гулкарам (*Brassica cauliflora* L.) униб чиққандан кейин техник жиҳатдан пишиб етилишигача ўтадиган вегетация даври 90-120 кун. Гулкарамнинг характерли хусусияти шундаки, бошчасининг массаси билан барглари массаси ўртасида корреляция – боғлиқлик мавжуд. Бошчасининг массаси умумий массанинг 40 % ини ташкил этади. Гулкарам навлари ва гибридларига қўйиладиган асосий талаблар қуйидалардан иборат: юқори маҳсулдорлик, тезпишарлик, бир вақтда пишиб етилиш,

бошчанинг зичлиги, зараркунандалар, касалликлар ва ташқи муҳитнинг салбий омиллари таъсирига бардошлиликка алоҳида қаралади. Яна бир ижобий белгиси шундаки, гулкарам барглари унинг бошчасига табиий соя солиб туради.

Етиштириш технологияси. Далага кўчириб ўтказаятганда кўчатларда 6-7 та барг бўлиши лозим. Ҳосил ноябрь-декабрь ойларида пишиб етилади. Плёнкали қопламалар остида етиштириш учун гулкарам уруғи 10-20 октябрда сепилади ва кўчатлар 15 ноябрдан 10 декабргача пленка остига кўчириб ўтказилади. Ҳосил февраль - март ойларида пишиб етилади. Эртаги гулкарам маҳсулотини мўлжалланган вақтида чиқариш ва ҳосили мўл бўлиши учун биринчи навбатда уни экишга мос жой танланади. Эртаги гулкарам экиладиган ер кузда тайёрлаб қўйилади. Кузда тайёрлаб қўйилган эгатларга экилганда ҳосили 8-10 кун эрта етилади ва 20% га кўпаяди. Гулкарам 70x30, 70x25, см схемада экилади. Мамлакатимизнинг марказий минтақасида иситилади ган пленкали иссиқхоналарда гулкарам етиштириш учун 60 кунлик кўчатлар 20-21 январь кунлари экилади. Марказий минтақада пленкали қопламалар остида етиштириш учун кўчатлар 20-22 февралда ўтказилади. Кўчатлар март ойининг охиригача плёнка остида сақлаб турилади. Гулкарам иситиладиган иссиқхоналарда етиштирилганда, унинг ҳосили мартнинг охирида етилади.

Кўчатлар қаторлар усулида 60-70x30-35 см ўлчамларда кўчириб ўтказилади. Кўчат иссиқхонадаги қаторларда олдиндан тайёрланган ва суғориб намланган чуқурчаларга қўлда ўтказилади. Кўчат биринчи барги бандигача бўлган чуқурликда кўмиб ўтказилади.

Кўчат ўтказилгандан кейин, гулкарам гуллагунча, иссиқхонада қуйидаги ҳарорат режими таъминланиши лозим: кундузи, ҳаво очик кунларда $17\pm 3^{\circ}\text{C}$, булутли кунларда – $14\pm 3^{\circ}\text{C}$, кечкурунлари – $6-8^{\circ}\text{C}$. Ҳавонинг нисбий намлиги юқори (85-95 %) даражада ушлаб турилиши лозим. Тез-тез суғорилади, айниқса, иссиқ кунларда.

Гулкарамнинг барглари ва бошчаларининг шаклланиш даврида тупроқ намлигининг 75-80 % дан пасайиб кетишига йўл қўйилмайди. Тупроқни асосий тўйинтиришдан ташқари у икки марта органоминерал ўғитлар билан озиқлантирилади.

Кўчат ўтказилгандан 10-12 кундан кейин ўсимлик 1:5 нисбатдаги гўнг шарбатининг 10 литрли эритмасига 20 г аммиакли селитра, 15 г суперфосфат ва 10 г хлорли калий қўшиб озиқлантирилади.

Озиқлантириш меъёри – бир туп ўсимликка 0,1 л. Шундан 7-10 кун ўтгандан кейин иккинчи озиқлантириш ўтказилади. Бунда суперфосфат ва калийнинг дозалари икки

марта оширилади. Ўсимлик, кейинчалик, яна икки марта минерал ўғитлар билан озиклантирилади. Ҳосилни ялпи йиғиб олишдан олдин озиклантириш тўхтатилади.

Қишки-баҳорги экишда гулкарам мартнинг охирида ҳосил бера бошлайди ва ҳосилни йиғиб олиш апрелнинг бошларида якунланади. Экиндан бўшаган ерларга, одатда, баҳорги-ёзги давр учун мўлжалланган бодринг кўчатлари экилади.



Баҳорги-ёзги даврда гулкарам кўчати 20-25 февралда 70x25-38 см ўлчамлардаги схемада экилади. Бу экиш даврида ўсимликларни парваришлаш қишки-баҳорги экиш турига мос равишда олиб борилади. Мазкур экиш турида гулкарам апрелнинг иккинчи ярмидан ҳосил бера бошлайди, уни йиғиб олиш майнинг бошларигача якунланади. Гулкарамнинг етиштирилладиган гибридлари барглари лаганча шаклида бўлиб, ҳосил бошчаларини ёпиб туради.

Гулкарам бошчалари бир вақтда пишиб етилмайди. Шунинг учун унинг ҳосили танлаб, териб олинади. Бошчалар барг лаганчалари билан биргаликда, олтин рангга кирмасдан, пичокда қирқилади. Унинг барглари эса бошчалардан 5 см баландликда қирқилади. Сифати бўйича сараланган гулкарам бошчалари тезда сояга олиниб, салқин ерга жойлаштирилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Асатов Ш.И. Научное обоснование технологии выращивания продукции и семян цветной капусты в Узбекистане. Ташкент: 2012.

2. Арамов М.Х., Эргашев Ғ.А., Турдикулов Б.Т., Асатов Ш.И. Под бор сортов и гибридов F1 и определение сроков посева цветной капусты в южном Узбекистане. //Вестник аграрной науки Узбекистана. – Ташкент, 2008. -№2 (32).

3. Азимов Б.Ж., Бўриев Х.Ч., Азимов Б.Б. “Дала экинлари селекцияси, уруғчилиги ва генетика асослари” Т., Мехнат. !989 йил

4. Останоқулов Т. Э ва бошқалар. “ Сабзаёт экинлари биологияси ва ўстириш технологияси” Т., !997 йил.

5. Останоқулов Т. Эю, Бурхонов Ш.О., “ Сабзаёт экинлари етиштириш технологияси фанидан амалиё машғулотлар” Т., 2001.

